



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



Шахноза Махмудовна Латипова Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
Умид Холбоевич Холбоев Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуганиевич Эшгаев Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
Zulfiya Musayevna Usmanova Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
Shokhista Bahridin kizi Turdieva Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Азиза Махомадризовна Каримова Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

4. Кельчевская Н.Р. Формирование и реализация стратегии развития промышленного предприятия как инструмент повышения его конкурентоспособности: монография – Москва: издательство «Креативная экономика», 2021. – 212 с.
5. Мокроносков, А. Г. Конкуренция и конкурентоспособность : учебное пособие . – Екатеринбург : Изд-во Урал ун-та, 2014. – 194

У.Холбоев	U.Kholboev
Оценка влияния конкуренции на повышение эффективности и качества услуг в сфере услуг	Assessing the impact of competition on improving the efficiency and quality of services in the service sector
<p>Аннотация: В статье описывается приспособленность предприятий к конкурентным условиям нестабильной и меняющейся внешней среды и представлены рассуждения о том, как в полной мере реализовать экономический потенциал за счет использования в нем факторов производства.</p> <p>Ключевые слова: конкурентоспособность предприятия, ромб конкуренции, эффективность бизнеса, конкурентоспособность продукции, инфраструктура, стратегическое расположение.</p>	<p>Abstract: The article describes the adaptability of enterprises to the competitive conditions of the unstable and changing external environment and the ideas on how to fully realize the economic potential by using production factors in it.</p> <p>Keywords: enterprise competitiveness, competition rhombus, business efficiency, product competitiveness, infrastructure, strategic location.</p>

Нилуфар Зиябаевна Юлдашова – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика”
кафедраси ассистенти

АГРОСЕРВИСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

<p>Аннотация: ушбу мақолада ривожланган давлатларда агросервис корхоналар ривожланишининг хориж тажрибаси баён этилган. Шунингдек, мақолада қишлоқ хўжалигида сервис хизматини ташкил қилиш учун хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди, умумлаштирилди ҳамда жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.</p> <p>Калит сўзлар: агросервис корхоналари, ривожланган хорижий мамлакатлар, фермер хўжаликлари, консалтинг марказлари, кооператив, уюшмалар, техник хизмат.</p>
--

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин тугади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг аввало агросервис сифатига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда агросервиснинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бошқарув объекти сифатида рақамли иқтисодиёт шароитларида ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларига эга бўлиб, улар услуб ва шаклларни такомиллаштиришни талаб қилади ва давлат томонидан тартибга олинади.

Аграр ислохотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари бозори таркибига тармоққа бевосита хизмат кўрсатувчи корхоналар ва тармоқдаги хўжалик субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминланиши ва ушбу жараёнларни ривожлантириш бўйича жаҳон мамлакатларида турли йўллар танланиб, ўзига хос тажрибалар тўпланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожланишини хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишда бир қатор иқтисодчи-олимлар ўрганган ва агросервисни ривожлантиришда ўз фикрларини билдирган: С.Д.Власов, А.Г.Никонов, В.И.Павлов, А.К.Черницкий, Н.П.Макаров, Қ.Ж. Мирзаев, А.Н.Холиқулов, Ғ.Н.Ибрагимов ва бошқалар.

Тадқиқот методологияси. Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатларни ўрганишда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат,

тизимли ёндошув каби услублардан, ҳамда қиёсий ва мантиқий таҳлил, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигини моддий-техник ресурслари бозорини ривожлантириш ва улар хизматлари билан тармоқни таъминланиши ва агросервис хизматини кўрсатувчи корхоналарни ривожлантириш бўйича бир қатор давлатлар маълум бир муваффақиятларга эришган.

Қишлоқ хўжалиги мавсумий ишлаб чиқариш билан ажралиб туради. Йил давомида меҳнат ресурслар, асбоб-ускуналар ва материаллардан бир хил даражада фойдаланилмайди. Мисол тариқасида, агросервисда технологияларнинг айрим турлари фақат 10 кундан 30 кунгача ишлатилади. Ушбу хусусият ишлаб чиқариш, ер, меҳнат ва молиявий ресурслардан, ҳамда асосий воситаларнинг таъминланганлиги ва фойдаланиш даражаси кўрсаткичларига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Қишлоқ жойларда агросервисни ривожлантиришда кўриладиган масалаларни ҳал қилишнинг асосий мезони – машина-технологик тизим, муҳандислик ва техник хизмат кўрсатиш инфратузилмаси эгаллалайди.

Хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучининг тракторлар билан таъминланганлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлари Канада, АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари алоҳида ажралиб туради. Шунга қарамай, ривожланган мамлакатларнинг тараққий қилиши учун майдон миқдори ва ишда банд бўлганларга тўғри келадиган тракторлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари хос бўлса ҳам улардаги трактор паркиннинг ўсиши 2021 йилда (31 фоиз) жаҳондаги ўртача ўсиш кўрсаткичи (34 фоиз) ни ташкил этди.¹

Жаҳон тажрибаларини кўриб чиқадиган бўлсак, АҚШда фермерлик тизимига асос солинганига 190 йилга яқинлашиб қолди. АҚШ қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари 3 турга бўлинади; индивидуал фермер хўжаликлари, оилавий ҳамкорликдаги тузилган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корпорациялари. АҚШ қишлоқ хўжалиги фаолиятининг самарадорлиги, биринчи навбатда, интенсификация омиллари – юқори маҳсулдор ускуналар, малакали кадрлар, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган.

АҚШ давлати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш учун дунёдаги энг қулай давлат ҳисобланади. Баъзи муаллифлар таъкидлаганидек, Қўшма Штатлардаги қишлоқ хўжалиги асосий омиллари таъсирида ривожланиб борган: меҳнат иқтисоди (тежаши) ва унинг унумдорлигини ошириш сифатида².

Шуни таъкидлаш керакки, америкалик фермерлар меҳнат унумдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришганлар: ўртача битта фермер 58 кишининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, ўша вақти ўзида эса – Ғарбий Европада – 19 киши, Японияда эса – 15 киши ташкил қилади. Бунга ўз навбатида, агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳиссаси ҳам баланд, яъни инфратузилманинг юқори даражада ривожланиши бунга далолат беради.

Агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналардан МТП ларни кўрадиган бўлсак, одатда техникалар билан таъминланганлик кўрсаткичи 100 га ерга ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган 1000 та иқтисодий фаол аҳоли сонига тўғри келадиган тракторлар сони билан белгиланади.

Давлатнинг аграр соҳасидаги фаолияти, авалламбор – ишлаб чиқариш инфратузилмасини (йўллар, қишлоқ электрлаштириш ва телефонлаштириш, мелиоратив объектлар, омборхоналар ва бошқалар) қуриш ва улардан фойдаланишни тартибга солиди. Шунингдек, давлат томонидан таълим, илмий ва тарғибот тадбирларини; интеллектуал мулк, ер ва сув ресурсларини, ҳамда озиқ-овқат сифатини муҳофаза қилишни ташкил этади.

¹Власов С.Д. Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2014. – №2. – С. 124-127

² Макаров Н.П. Опыт сравнительного анализа эволюции сельского хозяйства Китая, Соединённых Штатов Северной Америки, СССР, Западной Европы//Крестьяноведение. 2019, №1

АҚШ қишлоқ хўжалиги агросервисда техникадан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. АҚШда 2000 йилда 5876 минг трактор мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилда улар сони 8889 та ни ташкил этди.

АҚШ фермерларини механизациялар билан таъминлаши юқори эмас. 2010 йилда мамлакатдаги жами фермерларнинг 35 фоизи ўз тракторларига эга бўлмаган, 30 фоизига яқини 1 тадан тракторга эга.

АҚШнинг худудларида техникалар билан тўлиқ таъминланганлиги, механизация ишларини бажаришда техника воситаларидан юқори фойдаланиши натижасида Калифорния штати энг юқори пахта ҳосили етиштириш ва энг юқори меҳнат унумдорлиги бўйича дунёда ажралиб турибди. Калифорния штатида 300 минг гектар ердан ўртача гектаридан 44-45 центнердан пахта ҳосили олинади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, АҚШ фермерлари ишлаб чиқаришни механизациялаштиришга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда моддий-техника ресурслари ва техника воситаларидан, сервис хизматидан унумли фойдаланишлари натижасида дунёда аграр соҳа энг тараққий этган давлат сифатида намоён бўлмоқда.

Италия қишлоқ хўжалигида техника воситалари асосан йирик хўжаликлар қўли остида тўпланган. Ломбардия, Пимон туманларида 50 гектар, Сардиния оролларида 375 гектар, Сицилия оролларида эса 408 гектар ҳайдаладиган майдонларга 1 та трактор тўғри келади. Италияда бугунги кунда 36 минг дан ортиқ хўжаликлар ўзининг шахсий тракторига эга. Шунингдек 22 минг дан ортиқ хўжаликлар механизация ишларини амалга оширишда агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналардан, яъни МТП лари хизматларидан фойдаланади. Италияда ҳар 1000 гектар ҳайдаладиган ерга 38 та трактор, 1000 гектар донли экин майдонига эса 3 тадан ғалла ўриш комбайни тўғри келади¹.

Хусусан, ҳосилни сифатли ва самарали қисқа муддатда йиғиштириб олиш кўп жиҳатдан ғалла комбайнларининг сифатли таъмирланишига боғлиқ. Маълумки, Ғарбий Европа давлатларида ушбу йўналиш бўйича ҳам муайян тажрибалар тўпланган. Шунингдек, ушбу комбайнлардан ўрим мавсумида самарали фойдаланишни амалга оширилиши, кўп жиҳатдан уларни йил давомида қандай даражада сақланганлигига ва мавсумга техника тайёргарлиги, техник таъмирдан чиққанлиги жараёнларига боғлиқ.

Мамлакатимизда ривожланган Европа давлатларида ғалла комбайнларини мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш бўйича юқорида келтирилган тавсияларга амал қилинса, ўрим-йиғим мавсумида агрегатларнинг бетўхтов хизмат қилиши ва юқори унумдорлиги таъминланади.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжаликларлари фаолияти самарадорлигини оширишда, техника воситаларидан унумли фойдаланишда уларнинг ўзаро кооперация асосида иш юритиши муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ўзаро бирлашган ҳолда фаолият юритиши натижасида:

- керакли ресурсларни олиш ва хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайди;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурс ва хизматларни нисбатан арзон сотиб олиш имконияти яратилади ва бунинг натижасида маҳсулот таннархи арзонлашади;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш имкониятини яхшилаш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш, ҳамда пировардида қишлоқ хўжалиги юқори даромад олиши ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлайди.

Бугунги кунда Ғарбий Европа мамлакатларида техника воситаларидан унумли фойдаланишни таъминлаш асосида ташкил этилган кооперациялар нисбатан майда ва ўрта агрохўжаликларини қамраб олган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ўз аъзоларини инкирозга юз тутишидан ҳимоя қилиш, ҳамда йирик ишлаб чиқарувчилар билан рақобат шароитида барқарор даромад олишини таъминлашдан иборатдир. Кооперациянинг асосий мақсади агросаноат мажмуида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ўз аъзоларининг барқарор даромад олишини таъминлашга қаратилган тадбирлар, янги технологиялардан фойдаланиш имкониятини яратишдан иборатдир.

¹ Латышев Н.Ф. Опыт агросервисного обслуживания сельскохозяйственных товаропроизводителей// Экономика сельскохозяйственных предприятий -2017, №12, с.48

Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимизда ҳам агрохўжаликларини турли кўринишдаги кооперативларга бирлашган ҳолда фаолият юритишлари учун етарли даражада ҳуқуқий ва меъёрий асослар яратилган. Шу билан биргаликда тегишли қонуний ва меъёрий асослар доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида¹ ҳам аграр хўжаликларини турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилиниши белгилаб қўйилган.

Истиқболда республикаимиздаги қишлоқ хўжалиги муваффақиятли фаолият юритишида уларнинг турли уюшмаларга аъзо бўлган ҳолда биргаликда ишлаши асосий омил бўлиб қолади. Бугунги кунда агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарни молиялаштириш, моддий-техника таъминоти бўйича бир қатор масалалар ўз ечимини топган бўлса, қолган масалаларни уларнинг ўзлари уюшган ҳолда ҳал қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу агрохўжаликларга харажат, вақт, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиш имконини беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 260 дан ортиқ агрофирма, 1757 та муқобил МТП, 1700 дан ортиқ сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳам аграр хўжаликлари иштирокидаги кооперация ташкилотлари ҳисобланадилар. Бундан ташқари агросервисда хизмат кўрсатаётган корхоналар ўзлари учун манфаатли бўлган турли йўналишдаги уюшма, бирлашмалар тузишлари ёки фаолият кўрсатаётган уюшмаларга аъзо бўлиб киришлари мумкин. Ривожланган мамлакатларда битта агросервис корхонаси бир вақтнинг ўзида бир нечта уюшмага аъзо бўлган ҳолда фаолият юритади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, агросервис хизмат кўрсатишнинг хорижий тажрибасини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

-бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кўпчилик агросервис корхоналари кооператив шаклида фаолият юритмоқдалар;

-ривожланган хорижий мамлакатларда агросервис фаолияти олиб борадиган барча соҳа эгалари фермер хўжаликларидан ажратилган ва мустақил фаолият олиб бормоқда;

-хорижий давлатларда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарлигида табиий офатлар натижасида вайрон бўлган ерларни фермерларга қайта тиклашида ёрдам бериш дастури амалга оширилган;

-фермерлар бир вақтнинг ўзида бир неча кооператив аъзоси бўлишлари мумкин;

-ихтисослаштирилган агротехник консалтинг маслаҳат марказлари ташкил этилган;

-агросервис корхоналар дилерларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишлар юритадилар.

Хорижий наشرлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш натижасида,

Самарқанд вилоятида қуйидаги таклиф ва тавсияларни киритишимиз керак деб ўйлаймиз:

1) Самарқанд вилоятида агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарни таҳлил қилиб, интеграцион ишларини амалга ошириб, бир нечта кооперативларни ташкил этиб, ривожлантириш;

2) Самарқанд вилоятида таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг туманлар негизида техник марказларни ташкил этиш;

3) Самарқанд вилоятида таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатувчи корхоналар туманлар негизида техник муҳандислик бўйича ходимларини техника ва машиналарнинг носозликларини диагностика қилиш усуллари замонавий технологиялар билан тизимли равишда тайёрлаш;

4) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини машина паркинни янгилашда эски ускуналарни харажатлар ҳисобига қабул қилиш орқали рағбатлантириш.

¹ Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли Фармони.

Бизнинг фикримизча, агросервис корхоналари турли уюшмалар, бирлашмаларга аъзо бўлган ҳолда фаолият кўрсатиши – уларнинг техника воситаларидан унумли фойдаланиши, барқарор ривожланиши, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлиши ва юқори даромад олган ҳолда фаолият юритиши учун мустаҳкам асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М., Холиқулов А.Н., Бабаназарова С.А. Рақобатбардошликни мустаҳкамлашда кластер ва синергетик самарадорлик таҳлили. Ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти босмаҳонаси, 2022.- 213 бет.
2. Власов С.Д. Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2014. – №2. – С. 124-127.
3. Никонов А.Г., Павлов В.И., Черницкий А.К. К вопросу использования зарубежного опыта развития сельского хозяйства и сельских территорий в условиях усиления процессов глобализации // Никоновские чтения. – 2011. – №16. – С. 220-221.
4. The World of Organic Agriculture // <http://www.organicworld.net/yearbook/yearbook-2019.html>. 05.03.2019. Примеры государственной поддержки сельского хозяйства за рубежом // <http://agroinfo.kz/primery-gospodderzhki-selskogo-hozyajstva>. 14.01.2018

<p>Н.Юлдашова</p> <p>Опыт зарубежных стран в развитии агросервиса</p> <p>Аннотация: важным условием экономического развития страны является развитие инновационной деятельности, которая создаёт основу для устойчивого экономического роста и способствует реализации стратегических целей государства. В данной статье описан зарубежный опыт развития агросервисных предприятий в развитых странах. Также в статье изучен, обобщён опыт зарубежных стран по организации службы в сельском хозяйстве, разработаны предложения и рекомендации по внедрению.</p> <p>Ключевые слова: агросервисные предприятия, развитые зарубежные страны, фермерские хозяйства, консультационные центры, кооперативы, ассоциации, техническая служба.</p>	<p>N.Yuldashova</p> <p>Experience of foreign countries in the development of agricultural services</p> <p>Abstract: an important condition for the economic development of the country is the development of innovation, which creates the basis for sustainable economic growth and contributes to the implementation of the strategic goals of the state. This article describes foreign experience in the development of agroservice enterprises in developed countries. The article also studied, summarized the experience of foreign countries in organizing service in agriculture, developed proposals and recommendations for implementation.</p> <p>Keywords: agroservice enterprises, developed foreign countries, farms, consulting centers, cooperatives, associations, technical service.</p>
--	---

Нигина Маруповна Усманова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

КИТОБ САВДОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ БЎЙИЧА АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

Аннотация: мақолада китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар қараб чиқилган. Унда халқаро маданият индексига кўра, “Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган аҳолига эга мамлакат”лар таҳлили келтирилган. Бу билан боғлиқ бўлган китоб савдосидаги муаммолар еттига йўналишда кўрсатиб берилган. Қайд қилинган муаммоларни бартараф қилиш бўйича юртимизда китоб савдосини такомиллаштиришга қаратилган олтига таклиф ва тавсиялар ҳам шакллантирилган.

Калит сўзлар: китоб, китоб савдоси, китоб ўқиш, китоб нашри, китобга эҳтиёж, китобга талаб, китоб таклифи.

Қириш. Мамлакатимизда китобхонликка ва у билан боғлиқ китоб савдосига катта аҳамият берилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023